

ҲИКМАТ ГУЛШАНИ**ЖАМОЛИДДИН АБДУЛЛАЕВ***ЎзЖОКУ Ўзбек тили ва адабиёт кафедраси**катта ўқитувчиси*

Ўзбек мумтоз адабиёти юксалишига муносиб ҳисса қўшган ижодкорлардан бири Убайдийдир. У шарқ шеърятининг деярли барча турларида қалам тебратган ижодкорлардан бири эди. Шоирнинг бизгача етиб келган катга мажмуаси 991 / 1583 йилда Мир Ҳусайн ал-Хусайний томонидан кўчирилган. Бу қўлёзма ҳозирда «Куллиёт» номи ила Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 8931 рақами билан сақланади. Унинг «Куллиёт» дейилиши асоссиз эмас. Чунки 695 саҳифалик бу ноёб мажмуа чарм муқовали, Самарқанд қоғозида, 18,5х 23 см форматда, насталиқнинг Бухорий хатида кўчирилган. Унинг биринчи бетида «Қиммати 5 ю»деб ёзиб қўйилган. Учинчи бетда тилло суви билан “Девони ҳазрати Убайдуллоҳон” деган ёзув бор. Қўлёзманинг атрофи гул расмлар билан безатилган. «Куллиёт»нинг дастлабки қисмини форсий девони (4-200-бет), ундан сўнгги қисмини арабий шеър мажмуаси, 201-210-бетлар), ниҳоят учинчи қисмини туркий девони (211—695-бет) ташкил этади.

Туркий девон анъанага кўра (211-бет) ҳамду наът билан бошланган. Ундан бир маноқиб (212-бет), «Масоил ус-салот» (213-230-бет), ҳикматлари (231-402-бет), 2 рубоий, 4 фард таржибанд, саловот, 2 байтли ҳадис таржимаси ҳам (402-408-бет) ўрин олган. Бунда шоирнинг 310 дан зиёд ғазаллари (410-536-бетлар) 25 қитъа, 11 туюқ (537-545-бетлар), 445 га яқин рубоий (545-631-бетлар), 700 байтдан иборат (632-679-бетлар) 18 маснавий, Муаммо, 2 ёр-ёр (691-695-бетлар) мавжуд. Шунингдек, унга 679-687-бетларда диний-тасаввуфий, ахлоқий-дидактик мавзулар талқинига бағишланган «Омонатнома», «Шавқнома», «Ғайратнома», «Сабрнома» деб аталган манзумалари ҳам киритилган.¹

Турк олими, профессор Али Фуад Билкан ўзининг “Akvl-I Manzume-I Ubeydi” номли мақоласида эътироф этишича Ҳиндистоннинг Рампур шаҳрида жойлашган Ризо кутубхонасида ҳам “Ақвали Убайдий” номли Убайдуллоҳоннинг ҳикматлар тўплами сақланади. 23 саҳифадан иборат мазкур китоб Девони Убайдий номи билан қайд этилган бўлиб, ҳар бири 10 мисралик жами 16 ҳикмат ўрин олган.

Шоирнинг яна бир девони масоил ус-салот, ҳикмат, рубоий, таржеъбанд ва нома каби жанрлардан иборат. Биз мазкур девоннинг ҳикматлар қисмини нашрга

¹ Абдуллаев М.Ҳ. Убайдий ҳаёти ва адабий фаолияти. Номзодлик диссертацияси. – Тошент, 2000.

тайёрладик. Ўзбек мумтоз адабиётидаги энг қадимий жанрлардан бири ҳикмат деб аталган. Илмий адабиётларда диний-ахлоқий мазмундаги шеърлар милодий X асрлардан эътиборан ҳикмат деб юритилгани қайд этилган. “Ҳикмат – донишмандлик, ирфон, маърифат, ҳикматли сўз, сирли ва махфий калима, билимдонлик ва донишмандликни акс эттиради”.² Шунингдек, бу калима луғатларда Қуръон, ҳадис, тўғри сўз, нубувват; маърифати ҳақойиқи мавжудот; илоҳий ахлоқ соҳиби бўлмоқ; ботилдан йироқлашиб, Аллоҳга мутлақ итоат; қаноат ва яратишдаги илоҳий ғоя; илми ладуний, деб ҳам шарҳланган.³ Муфассирлар отаси Ибн Аббос ҳикматни қуйидагича таърифлайдилар: “Ҳикмат илми шариат билан илми тариқатнинг мажмуаси”.

Туркий адабиётда биринчи бўлиб ҳикмат яратган Аҳмад Яссавийнинг “Девони ҳикмат” асари ўзбек адабиётида, хусусан, Яссавий мактаби шоирлари ижодида ҳикматнавислик анъанасининг муваффақият билан давом топишини таъминлади. Аҳмад Яссавийдан кейин ўнлаб шоирлар ҳикмат шаклида қалам тебратган бўлсалар-да, улар орасида эътиборли ижодий ютуқларни қўлга киритганлари унчалик кўп эмас. Ҳикматнависликда Аҳмад Яссавий анъаналарини давом эттирган мутасаввиф ижодкорлар, хусусан, Сулаймон Боқирғоний (Ҳаким ота) ўз ҳикматларида тил, вазн, қофия ва ифодада халқ шеъриятига ҳамоҳанглик ҳамда яқинликка қатъий амал қилган эди. Балки шунинг учун ул зотнинг асарлари янада кенгроқ тарқалиб, турли қадимий манбаларда алоҳида қайд этилгандир. Бунинг Фитратнинг «Қўлимизда бўлгон “Тазкират ул-авлиё”нинг ҳеч бири Аҳмад Яссавийнинг “Ҳикмат”ларидан хабар бермаган ҳолда, ҳаммалари Ҳаким Сулаймон отанинг кўп “Ҳикмат”лари борлигини бир оғиздан айтиб турадилар»⁴, деган фикрларидан ҳам англаш мумкин. Турк олими М.Ф. Кўпрулизода ва А. Фитрат Сулаймон Боқирғонийдан ташқари ҳикмат жанрида унумли ижод қилган бир қанча шоирларнинг (Ҳуббий, Шамс, Иқоний, Қул Шараф, Фақирий ва бошқалар) номларини кўрсатиб ўтишган. Шулар орасида Қул Убайдий ҳам бор. Абдурауф Фитрат “Қул Убайдий”, “Убайдий”, “Убайдулло” тахаллуслари билан ҳикматлар ёзгон бу одам бизнинг фикримизча, машҳур ўзбек хони Убайдуллоҳондан бошқа киши эмас”⁵, дейди. Дарҳақиқат, Абдурауф Фитрат тахминда янглишмагани ва кейинчалик Убайдуллоҳоннинг Бухородан топилган девони ва Туркияда “Нури Усмания” кутубхонасида сақланган, ҳозирда эса Истанбулнинг Сулаймония кутубхонасида сақланаётган қўлёзмадан унинг фикрлари тўғрилиги тўла тасдиғини топди. Чунки Аҳмад Яссавийга издош шоирларнинг тажрибала ри инобатга

² Адабий тур ва жанрлар. 2-жилд. Тошкент, 1992. Б. 68.

³ Иброҳим Чори. Тасаввуф луғати. Тафаккур, 1998. № 1. Б. 122.

⁴ Яссавий ким эди? Б. 36.

⁵ Яссавий ким эди? Б. 34.

олинмаганда, XV асргача адабиётимиз тарихида бевосита Аҳмад Яссавий анъаналарининг давомчиси ўлароқ қалам тебратган ижодкорлар кўзга ташланмайди. Шайбонийларнинг Мовароуннахрга кириб келиши ва бадий ижод билан шуғулланишлари туфайли Аҳмад Яссавий шахсиятига ва ижодиётига қизиқиш қайта жонланибгина қолмасдан, унинг ҳикматнавислик анъаналарини давом эттириш ҳам бошланган эди. Бу ҳаракат бошида Муҳаммад Шайбонийхоннинг ўзи турарди. Унинг девонидаги ҳикматлар, айниқса, Аҳмад Яссавий шахсияти мадҳ этилган шеърлар ушбу даъвони тасдиқлайди. Шайбонийнинг ҳикматлари сон жиҳатидан унчалик кўп эмас, аммо улар Аҳмад Яссавий ва унинг ҳикматнавислик йўлига эътиборни жалб этиш нуктаи назаридан характерлидир. Убайдий ҳикмат ёзишга жиддийроқ киришиб, янада яхши ижодий ютуқларга эришди. У бир шеърда Аҳмад Яссавий ҳақида бундай дейди:

Барча машойих сарвари Султон Хожа Аҳмад Яссавий,
 Сонсиз муридлар раҳбари Султон Хожа Аҳмад Яссавий.
 Хизр отанинг ҳамроҳи, огоҳларнинг огоҳи,
 Доим, «Илоҳи, Илоҳи» Султон Хожа Аҳмад Яссавий.
 Аллоҳ зикри ҳамдами, барча валийлар аъзами,
 Сирри илоҳий маҳрами Султон Хожа Аҳмад Яссавий.
 Ҳам ишқ аҳди содиқи, ушшоқ хайли Вомиқи,
 Дийдор ганжи ошиқи Султон Хожа Аҳмад Яссавий.

Ушбу парчадаги «барча машойих сарвари», «огоҳларнинг огоҳи», «барча валийлар аъзами», «ушшоқ хайли Вомиқи», «дийдор ганжи ошиқи» каби тавсифлар ҳам Убайдийнинг Хожа Аҳмад Яссавийга ҳурмат-эҳтироми нақадар юксак бўлганини кўрсатиб турибди. Убайдий Сулаймон Боқирғоний ижодига ҳам ҳурмат билан қарайди. У Сулаймон Боқирғоний ҳақида бундай дейди:

Воқиф қулға Ҳақ раҳматин энор дерлар,
 Бир жамъ аро ҳозир ўлуб, хуш ўлтурунг.
 Ҳаким ато ҳимматининг пайравлигин
 Қул Убайдий ҳаддин билмай қилди кўрунг.

Ўз навбатида, Убайдийдан кейинги ҳикматнавислардан бири Муҳаммад Тохир Эшон (1157 хижрий – 1800 милодий) Убайдий ва унинг авлод-аждодларини таърифлаб, 1160 мисрадан иборат ҳикмат жанрида асар ёзиб қолдиради. Барча истеъдодли шоирлар сингари Убайдий ҳикмат яратишда ҳам тақлидчилик усуллари танлагани йўқ. У мавжуд анъанани ривожлантириш билан бирга ғоявий ва бадий янгиликлар яратишга интилган эди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, худди Яссавий тўртликларига ўхшаб, Убайдий ҳикматларининг маъноларини тўлиқ кашф этиш учун Қуръон ва ҳадис илмларидан пухта хабардор бўлмоқ зарур. Хуллас, ҳикматлардаги ҳар бир арабий ибора ёки калима шоирнинг

Қуръон оятларига суянганига ишорат бўлиб, уларнинг мазмун-моҳиятини тушунмасдан, Убайдий назарда тутган маъно-моҳиятларга етиш қийиндир. Убайдийнинг ҳикматларидан бирида бундай сўзлар битилган:

Қуръон отлиғ каломни ким ўқуса,
Дев бирла шайтон андин қочар дерлар.
Ихлос ила файз эшигин ҳар ким қоқса,
Мифаттахул-абвоб анга очар дерлар.⁶

Убайдий ҳикмат битиб, диний, тасаввуфий, маърифий ва ахлоқий маънолардан ўқувчига сабоқ берар экан, биринчи навбатда Қуръонга суяниб иш тини кутганўрамиз. У «Илмнинг чавғони барча маърифат майдонида» деб билади ва «ҳикмат аҳли каби» худди шу майдонда жавлон уради. Бу эса табиий равишда Қуръон ва ҳадис илҳоми ҳамда талаблари билан яшашга ундайди. Бу тўғрида шоир ўз хулосасини шундай баён этган эди:

Санга Қуръону ҳадис ва фикҳдур маҳкам санад,
Ўзлугудин банда ҳар ишни қачон айлай олур.⁷

Убайдий ҳикмат жанрида қалам тебратганда биринчи галда Аҳмад Яссавий тажрибаларига суянган ва уларни муайян даражада ривожлантиришни ўйлаган. Шунинг учун Убайдий ҳикматлари орасида бевосита Яссавий таъсирида ёзилган ёки маъно ва оҳанг жиҳатидан уларга ўхшаш шеърлар ҳам тез-тез учрайди. Бундай шеърлар ғоявий-бадий аҳамиятидан ташқари, ўзига хос тарихий қимматга ҳам эгадир. Чунки Убайдий Яссавий ҳикматларини асл шаклида ўқиган ва улардан таъсирланган дейишга етарли асос ва далиллар мавжуд. Аҳмад Яссавийнинг машҳур ҳикматларидан бирида бундай дейилади:

Бешак билинг, бу дунё барча халқдин ўтаро.
Инонмағил молингга, бир кун қўлдан кетаро.
Ота-она қариндош қаён кетти, фикр қил,
Тўрт аёғлиғ чўбин от бир кун сенга етаро.
Дунё учун ғам ема, Ҳақдин ўзгани дема,
Киши молини ема, сирот узра тутаро.

Дунё, умр ва молу давлатнинг ўткинчилиги ҳақида битилган ушбу ҳикмат ҳар томонлама ибратлидир. Шу боис у ўз ҳаёти ва умрининг мазмуни хусусида фикр юритган ҳар бир киши қалбига кучли таъсир кўрсатади. Бу фикрни Убайдий тўғрисида ҳам айтиш мумкин:

Кўч элдек, эй рафик, олам бари кўчаро,
Кўзни юмуб очкунча азиз умринг кечаро.
Ўлум солур мотамга, одам ўғлин ҳар ғамга.

⁶ Девон. Б. 248.

⁷ Девон. Б. 234.

Ақли бўлғон одамға ушбу ибрат етаро.

Давлатингға таёнма, ганжу молға инонма,

Ҳам барчаға ишонма, бари сандин кетаро.⁸

Мазкур ҳикмат ўн икки байтдан иборат. Ундаги «Кўч элдек, эй рафик, олам бари кўчаро, кўзни юмуб очгунча азиз умринг кечаро», «Давлатингға таёнма, ганжу молға инонма» сингари мисралар Яссавийнинг шу мавзудаги ҳикматининг деярли такрорига ўхшайди. Аммо айнан шу яқинлик ва монандлик сабабли биз Яссавийнинг юқоридаги ҳикмати бошқа бир қатор ҳикматларга ўхшаб, издошлари томонидан тўқилмаганига ишонч ҳосил қиламиз. Яссавийнинг ҳикмати том маъноси билан катта ибрат асосига қурилган. Лекин ундаги фикр-мулоҳазалар Убайдийдек ҳукмдор бир киши томонидан қўллаб-қувватланиши ва “Давлатингға таёнма, ганжу молға инонма” дея, кейин ўлим ҳақида баҳс юритиб: Хоҳи жаҳон сарвари, хоҳи бўлсун сафдари, Барчани гўр аждари бир-бир этиб ютаро, дейиши ибрат маъносини яна ҳам кучайтиради. Чунки ўлим олдида шоҳу гадо тенг. Ҳақ ҳузуридаги жавобгарлик эса гадога нисбатан шоҳнинг зиммасига кўп масъулият юклайди.

Убайдий ҳикматларида, “Девони ҳикмат”да бўлганидек, шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат босқичларига тегишли масалалар изчил тарзда таъриф ва талқин этилмаган бўлса-да, сайри сулукнинг ахлоқий, маърифий, руҳоний жиҳатдан ибратли ҳақиқатлари атрофлича бадий бўёқлар билан очиб берилган. Эй рафиқим, сулук аҳли соҳиби асрор Сир оламин кезмагунча бўлмас эрмиш...— дейди шоир ва «сир оламин» кезган «соҳиби асрор» зотлар сифатида ошиқ, ориф, фақир, дарвеш ва муқаррабларни намуна қилиб кўрсатади:

Илоҳимдан қурбат истаб, қурб аҳлидек

Муқаррабин мақомига етгум келур.⁹

Ёки:

Орифлардек мосиваллоҳ таркин этмай,

Тажарруднинг мақомига дағи етмай,

Фанофиллоҳ вужуд ила ўзлук кетмай,

Ёротқонға лойиқ қуллук қилса бўлмас...¹⁰

Яна:

Ишқ аро ошиқ ҳамиша волаи ҳайрон керак,

Сўзи сўзон, бағри бирён, кўзлари гирён керак.¹¹

⁸ Девон. Б. 233.

⁹ Ўша девон. Б. 308.

¹⁰ Девон. Б. 305.

¹¹ Девон. Б. 323.

Абдурауф Фитрат Аҳмад Яссавий «Девони ҳикмат»ининг адабий қиймати тўғрисида мулоҳаза юритиб, «Яссавийнинг адабиётда тутғон йўли содда халқ шоирларимизнинг тутғон йўллариidir. Унда Навоий истиоралари, Бобурнинг форсча ёнишмалари йўқдир, унинг ҳикматлари вазнида, қофияда, услубда халқ адабиёти аталган шеърлар билан баробар юради»¹² – дейди.

Убайдийнинг ҳикматнависликдан мақсади «ҳикмат гулистони»дан «маъни гуллари»ни теришдир. У ҳикматларнинг ҳикматини танлаш ва халққа етказишда Лукмони Ҳакимни ибрат қилиб кўрсатади.

Деди ҳикмат аҳлиға Лукмон Ҳаким, эй дўстлар:

Тўрт минг ҳикмат манга берди, карам айлаб Худо.

Сайлаб олдим тўрт минг ҳикмат орасидин дағи,

Тўрт юз ҳикматни танлаб, хуш кўриб, эй мужтабо.

Яна андин тўрт ҳикматни айирдим хушлабон,

Асру хуш келган учун ҳикматлар ичро ул манго.

Лукмони Ҳаким шу тўрт ҳикматдан яна иккитасини унутиб, ёлғиз иккисини ажратиб қолади. Булардан бириси – Худо, иккинчиси – ўлим. У шу икки нарсани унутмаган. Унутганларидан бири – бировга қилган яхшилик, иккинчиси эса – бошқа лардан етган ранжу ситам. Убайдий унутиш ва сира унутмас лик зарур бўлган ана шу тўрт ҳикматда ўзини Лукмони Ҳакимга маслакдош сезади ва бошқаларни ҳам шунга ундайди. Убайдий яшаш ва донолик ҳикматини ғафлатга кул бўлмаслик ва ғофилликда кун кечирмаслик деб билган. Унингча:

Ҳикмат юзидин юрувки, ғафлатдан эмастур,

Ғофил юрмаклик халқ ичра ҳикматдан эмастур.¹³

Убайдий ҳикматлари шундай катта адабий хазинаки, мавзу доиралари жуда кенг бўлиши баробарида Убайдий дунёкарашида унинг ўз даври адабий хусусиятлари тақозоси билан жуда кўп муаммолар ўртага қўйилиб, янги ва ранг-баранг муҳим ғоялар илгари сурилган. Абдурауф Фитрат Аҳмад Яссавий «Девони ҳикмат»ининг адабий қиймати тўғрисида мулоҳаза юритиб, «Яссавийнинг адабиётда тутғон йўли содда халқ шоирларимизнинг тутғон йўллариidir. Унда Навоий истиоралари, Бобурнинг форсча ёзишмалари йўқдир, унинг ҳикматлари вазнида, қофияда, услубда халқ адабиёти аталган шеърлар билан баробар юради», дейди. Масалан, Убайдийнинг бир ҳикмати шундай сатрлар билан бошланади:

Байтул-аҳзон бўлғусидур боғу бўстон, ғам ема,

Гуссаи ғам гулхани охир гулистон, ғам ема.

Ҳажр шоми етса дарду ғам санга дилдордин,

Васл айёми етар дардинға дармон, ғам ема.¹⁴

¹² Фитрат. Яссавий ким эди. – Тошкент, 1994. – Б. 32.

¹³ Девон. Б. 294.

Тил ва услуб эътибори билан бу ҳикмат ошиқона ғазаллардан кескин фарқ қилмайди. Ундаги «ғуссаи ғам гулхани», «ҳажр шоми», «васл айёми» каби истиоравий иборалар ғазалиёт хазинасидан олинган. Ҳикматдаги ғоя эса маърифий-ахлоқий характерга эга. Убайдий ҳикматларида шеърӣ санъатларнинг ўзи бир олам. Тўғри, уларнинг аксарида бўртиб турган диний-маърифий асос ва уларнинг маъноларини шарҳлаш диний илмдан етарли даражада хабардор бўлишни талаб этади. Шоирнинг Лукмони Ҳаким, Юсуф (алайҳиссалом), Юнус (алайҳиссалом), Исо (алайҳиссалом) ва Муҳаммад (алайҳиссалом) пайғамбарлар ҳақидаги талмиҳлардаги маъно ва мазмунни тўлиқ англамоқ ва шарҳламоқ учун бевосита Қуръони карим, ҳадиси шариф ва Ислом тарихига мурожаат қилиш керак. Убайдий ҳикмат жанрида самарали ижод қилгани айти ҳақиқат. Лекин бу ҳикматлар шоир ижодининг қайси даврлари маҳсули, деган савол туғилиши табиӣ, албатта. Бу саволга аниқ жавоб қайтариш қийин, чунки шоирнинг тахминан 1516 йилларда Султон Али Машҳадӣ томонидан кўчирилган девонига ҳикмат жанридаги шеърлар киритилмаган. (Бизнинг тахминимизча, Мирали котиб (1478 – 1546) Султон Али Машҳадӣ услубида кўчирган. Чунки Индиана штатидан келтирилган Убайдий девонининг биринчи бетида “Мусаввар би хати Султон Али Машҳадӣ” деб ёзилган жумла бор.) Унинг «Куллиёти» эса Убайдий вафотидан кейин 1583 йилда кўчирилган. Убайдий Аҳмад Яссавӣ ҳикматлари билан жуда ёшлигидан танишгани ва уларни қизиқиб ўқиб-ўргангани инобатга олинса, унинг ижодининг илк даврларидаёқ ҳикматлар битга ни шубҳа туғдирмайди. Бундан ташқари, Убайдийнинг дин ва тасаввуф билан қизиқиши ҳам анча эрта бошланган. Бу ҳам уни ҳикмат ёзишга илҳомлантирган бўлиши керак. Лекин бизнинг тахминимизга кўра, шоир асосан 1510 йиллардан кейин, яъни Шайбонийхон вафот этгач, ҳаёт, замон ва бешафқат воқелик ҳодисалари билан юзма-юз келиб, турмушнинг оқу қораларини бир қадар чуқур англагач, ҳикмат ёзиш билан ўзига ўзи маънавий-руҳий тасалли бериш, илоҳий ишқ ҳақиқатларига суяниш, ёлғиз Яратгандан нажот тилаш, маърифат сирларини мукаммал ўзлаштириш майлларига берилганини ҳам сезиш мумкин. Мирали котиб (Муҳаммадали) Ҳиравӣ фатҳободӣ Убайдуллохон котиби ва хаттоти. У 1478 йилда Машҳадда таваллуд топган. Ёшлигидан Ҳиротда Абдурахмон Жомӣдан таълим ва тарбия олган. Котибнинг настаълик хати ҳақида “Мидодул хутут” асари мавжуд.

Хулласа қилиб айтганда, Убайдий замондоши Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби илм-маърифатга катта эътибор қаратган шоҳ ва ранг-баранг жанрларда қалам тебратган шоир эди. Айтганча, у ҳикмат жанрида қалам тебратган шоир сифатида адабиётимиз тарихидан ўзига хос ўрин эгаллаган ижодкор. Унинг 1786 байт дан иборат 235 донданзиёд (2 байтдан 30 байтгача) ҳикмати фақат сон жиҳатидан

¹⁴ Девон. Б. 381.

эмас, маъно ва моҳият эътибори билан ҳам мумтоз адабиётимиз хазинасига қўшилган салмоқли ҳиссадир. Убайдий ҳикматларида арабий ва форсий сўзлар, Қуръони карим оятлари ёки ҳадиси шарифлардан олинган ибора ва иқтибослар тез-тез учраса-да, уларнинг тили ва ифодасида унчалик мураккаблик кўзга ташланмайди. Бу ҳикматлар халқ онги ва кўнглини илм-маърифат нурлари билан ёритишга яқиндан ёрдам беради.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев М. Убайдий ҳаёти ва адабий фаолияти. Тошкент; 2000, 10-бет.
2. Адабий тур ва жанрлар. 2-жилд. Тошкент, 1992. Б. 68.3. Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Али.
3. Убайдий девони. ЎзФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 8931, 529-бет.
4. Муҳаммад ибн Вали. Баҳрул асрор. ЎзФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 1375, 132-б. варақ.
5. Нафоис ул-маосир. ЎзФА ШИ қўлёзмаси инв. № 878, 104-б. варақ.
6. Иброҳим Чори. Тасаввуф луғати. Тафаккур, 1998. № 1. Б. 122.
7. Фитрат. Яссавий ким эди. – Тошкент, 1994. – Б. 32.10. Ўз. ФА ШИ. Инв. № 54/1. – Б. 220.
8. Яссавий ким эди? – Тошкент Б. 36